

**Молия муассасаларида**

**КУЛИБ ТУРГАН УЙЛАР  
СИЗГА МУНТАЗИР**

Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи бугун энг жиддий ва устувор вазифалардан бирига айланган..  
**6-7-саҳифа**



**"Оқ олтин-2020"**

**ЮКСАК ХИРМОН  
МУБОРАК, НАМАНГАН!**

Ушбу зафар марраси сари дастлабки қадам эрта баҳорда 1 849 та фермер хўжалиги ва 7 та кластер корхонаси томонидан 63 406 гектар майдонга яхши ниятлар билан чигит экишдан бошланганди.  
**8-9-саҳифа**



# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 22-oktabr, payshanba 56-57 (9093-9094)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Муҳтарам ватандошлар!**

Сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги кутлуг айём – Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

1989 йил 21 октябрда, гоят мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда юртимизда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши миллий мустақиллик сари қўйилган муҳим қадам бўлганини барчамиз яхши эслаймиз.

Жамоатчилигимиз, халқимизнинг хоҳиш-истакларини инobatга олиб, ўтган йили ушбу тарихий санани Ўзбек тили байрами кунини сифатида белгилаш тўғрисида қонун қабул қилганимиздан ҳаммангиз хабардорсиз. Бугун мамлакатимизда биринчи марта кенг нишонланаётган ана шу байрам маънавий ҳаётимиздан мустақкам ва муносиб ўрин олади, деб ишонаман.

**Хурматли юртдошлар!**

Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш кудратига таянамиз.

Чунки, неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболи ҳақида қайғуриш – бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демақдир. Давлат тилининг обрў-эътибори – бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир.

Ҳозирги вақтда ер юзиде ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этиши унинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги боسقичларини белгилаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сон Фармониға мувофиқ:

**1. Қуйидагилар:**

**а) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловаға мувофиқ

тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишға эришиш;

таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникациялариға фаол интеграциялашувини таъминлаш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларға давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

**(Давоми 3-саҳифада)**

## МИЛЛАТНИНГ БИРЛИГИ, БАРҲАЁТЛИГИ КЎЗГУСИ

**Миллатнинг бирлиги, мавжудлигининг белгиларидан бири она тили барҳаётлигидир. Жорий йилда мамлакатимизда катта тантана, ўзгача шукух, кўтаринкилик билан илк бор нишонланаётган Ўзбек тили байрами тадбирларида бу жиҳатлар яна бир қарра ўз ифодасини топмоқда.**

...Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғи. Янада кўркам, файзли ва тароватли қиёфа касб этган, янгиланган Адиблар хиёбони. Уни шиддат билан ўзгариб бораётган Ўзбекистонимизға менгзаш мумкин. 21 октябрь кунини эрта тонгданок бу ерга ҳамюртларимиз кела бошлади. Улкан мониторда миллий адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган

ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимларнинг фаолияти, ҳаёти, ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар намоиш этилмоқда. Янграётган миллий мумтоз кўшиқлари тилимиз жозибасини оҳанглар воситасида ифодалаётгандек. Адабий гурунлар, ижодий суҳбатлар, шеърхонлик авжида.

**(Давоми 5-саҳифада)**



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Айни вақтда юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг маданияти ва урф-одатларини, хусусан, уларнинг она тилларини ривожлантириш учун ҳам зарур шароитлар яратилмоқда. Турли ҳудудларда ташкил этилган 140 га яқин миллий маданият марказлари ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Кўплаб таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тилларга ихтисослашган ҳамда таълим чет тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари сони ошиб бормоқда.

Бугунги кунда хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи тобора кенгаймоқда.

Кунги кеча Афғонистон Исломи Республикасида Ўзбек тили кунига бағишланган байрам тадбирлари биринчи марта давлат миқёсида нишонланганини мамлакатимиз жамоатчилиги, бутун ўзбек халқи катта мамнуният ва хурсандчилик билан олқишлади.

Фурсатдан фойдаланиб, қардош Афғонистон давлати раҳбариятига ўзбек тилига расмий тил мақомини бериб, унга кўрсатаётган юксак эътибор ва ҳурмати учун яна бир бор чин дилдан миннатдорлик билдираман. Бу кўҳна заминда яшаётган барча миллатдошларимизни бугунги кутлуг байрам билан эл-юртимиз номидан самимий муборакбод этаман.

## Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Шу мақсадда "Давлат тили ҳақида"ги Қонун лойиҳасининг янги таҳрири ҳамда шу муносабат билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилди.

Хабарингиз бор, кунги кеча "Мамлакатимиз-

да ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони имзоланди.

Фармонга мувофиқ, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Фармон ижросини таъминлаш учун давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, тиббиёт соҳаларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ҳарбий муассасалар фаолиятида тўлиқ давлат тилида иш юритиш бўйича бошлаган ишларимизни кучайтиришимиз керак.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган, Ўзбекистонимизни ягона ва аҳил оила деб билладиган турли миллат ва элатлар вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак билдираётганлари айниқса эътиборлидир.

Шу муносабат билан бу борада мотивация омилларини кучайтириш, махсус дарслик, луғат ва кўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар, замонавий ўқитиш услубларини кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашган дунёда тилларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, жумладан, четдан сўз қабул қилиш кўлами ва суръати ортиб бормоқда. Афсуски, юртимизда бу жараён аниқ тизим ва илмий ёндашувларсиз юз бераётганини тан олган ҳолда, мавжуд ҳолатни бартараф этиш учун таъсирчан чоралар кўриш лозим.

Айни вақтда ўзбек тили алоҳида фан сифатида ўқитилаётган хорижий университет ва марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, улар учун ўқув адабиётлари яратиш борасида ҳам фаол иш олиб боришимиз лозим.

Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига

ҳамда ўзбек адабиётининг сара намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва нашр этиш, бу йўналишда шаклланган ижодий мактабларни ривожлантириш, юқори малакали таржимон-адиблар ҳамда мутахассисларни тайёрлаш ишларига жиддий эътибор қаратишимиз даркор.

Мамлакатимизда "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари", "Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари", "Биринчи китобим", "Жаҳон адабиёти дурдоналари" каби серияларни нашр этиш бўйича бошланган ишларни тизимли асосда давом эттириш керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг жаҳон майдонига хусусан, Интернет ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, она тилимизда кўплаб янги компьютер дастурларини яратиш бўйича ҳам олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал қилишимиз зарур.

Ушбу кутлуг байрам арафасида қабул қилинган "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарор ҳам ўзбек тили ва адабиётини, миллий маданиятимизни янада раванқ топтиришга қаратилган амалий ҳаракатларимиз билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

## Ҳурматли дўстлар!

Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний бобомиз айтганидек, **тил – миллат руҳини юксалтирувчи буюк кучдир.**

Шу маънода, **Она Ватанга муҳаббат ва садоқат – она тилига муҳаббат ва садоқатдан бошланади,** десак, янглишмаган бўлаемиз.

Мен мана шундай қараш ва тушунча ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётий эътиқодига айланади, бу борада муҳтарам зиёлиларимиз, фаол ёшларимиз, кенг жамоатчилигимиз барчага ўрناق ва намуна бўладилар, деб ишонаман.

## Азиз ва қадрли ватандошларим!

Сизларни Ўзбек тили байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга соғлиқ-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ўзбек тилимиз ҳамиша безавол яшасин, доимо мағрур янграсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ТИЛ ХАЛҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛДИР

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кун**  
**муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Тилшунос ва адабиётшунос олимлар, ёзувчи-шоирлар, талаба ёшлар иштирокида ўтган тадбирда она тили миллатнинг руҳи, борлигимиз ва бирлигимиз, давлат тимсоли экани, уни асраш ва ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Тадбирда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири

бўлгани алоҳида қайд этилиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бергани ҳақида сўз борди.

Дарҳақиқат, ўзбек тилининг халқаро миқёсда маъқеи ошди. "Давлат тили ҳақида"ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намён этиши билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия, луғатлар, дарслик ва ўқув кўлланмалари чоп этилди.

Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамалар, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" яратилиши бу борада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидан саналади.

Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади,



урф-одат ва анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашишимиз лозим.

Тадбир доирасида она тилимизни улуғловчи, мадҳ этивчи шеърлардан намуналар ўқилди.

**Гулноза БОБОЕВА, ЎЗА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

б) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 2-иловага мувофиқ;

в) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари (кейинги ўринларда – Асосий йўналишлар) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Асосий йўналишлар куйидагиларни назарда тутди:

а) таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш соҳасида:

2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида амалдаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудларини кенгайтириш ёки янги қуриладиган муассасалар ҳисобига ўзбек тилли гуруҳлар қамровини **72 фоизга**, 2030 йилгача эса **80 фоизга** етказиш;

2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўқув йиллари учун таянч ўқув режаларида ўзбек тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги ҳафтада **84 соатдан 110 соатга** ошириш;

олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар **120 тага**, 2030 йилгача эса **140 тага** етказиш;

б) давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш соҳасида:

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида “Ўзбекистон миллий қомуси” жилдларини нашр этишни босқичма-босқич кўпайтириб бориш;

2020 йилда ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи **15 та** лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш;

телерадиоканаллар суҳандон-бошловчиларининг ўзбек адабий тилидаги нутқ маданиятини оширувчи қайта тайёрлов курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш ва қамровини 2030 йилгача **100 фоизга** етказиш;

в) давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш соҳасида:

2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун **14 та** онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса ушбу кўрсаткични **25 тага** етказиш;

дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловалари ва электрон луғат дастурларини яратиш;

хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш;

г) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш соҳасида:

2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги **17 тадан 60 тага** кўпайтириш;

2025 йилга қадар “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари сонини **30 тага**, 2030 йилгача эса **40 тага** етказиш;

хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили курсларини зарур илмий, ўқув-услубий, бадий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар миқдорини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) уч ой муддатда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳини ташкил қилсин ва аниқ чора-тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини назарда тутувчи “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва ада-

биёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланади ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этилади;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш бўйича қисқа муддатли (1-2 ойгача) ўқув курслари мунтазам равишда ташкил этилади.

Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзбек тилидаги мавжуд луғатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча турлари учун куйидаги ўқув луғатларини яратиш чораларини кўрсин, шу жумладан:

кўп жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг тўлдирилган янги нашри (кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида);

“Ўзбек тилининг имло луғати”;

“Ўзбек тили синонимлари луғати”;

“Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати”;

“Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли луғати”;

“Ўзбек тили омонимлари луғати”.

Мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари йўналтириб бориш.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

олий таълим муассасаларининг филология таълим йўналишларида “Компьютер лингвистикаси”, “Амалий филология” йўналишларини ташкил қилсин;

Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили марказлари фаолиятини йўлга қўйсин;

ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш чораларини кўрсин;

Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар Дастурда ва Асосий йўналишларда белгиланган топшириқлар юзасидан амалга оширилган ишларни пухта таҳлил қилиш асосида Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб бориш.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда ўзбек тилидан жаҳоннинг етакчи хорижий тилларига ва хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилувчи компьютер дастурини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан яратиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тизимдаги ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий ва маданий-гуманитар телеканалларини хорижий давлатларда телерадиокомпаниянинг

ОТТ платформасини (Интернет тармоғи орқали теледастуруларни намойиш этиш тизими) Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишга тушириш ва бошқа замонавий информация технологиялардан фойдаланган ҳолда намойиш этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг “O‘zbekiston” телеканалида юртимиз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини тарғиб қилувчи, мамлакатимизга оид ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий, маданий-гуманитар билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилувчи ва интеллектуал ҳамда бошқа маълумотларни хорижий тилларда (Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар тилида) ёритадиган “Do‘stlik” ахборот-маърифий дастурлар тахририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, “Do‘stlik” ахборот-маърифий дастурлар тахририяти Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ажратилаётган бюджет маблағлари ва куйи ташкилотларнинг мавжуд штат бирликлари доирасида ташкил этилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор ташкилотларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 январдан бошлаб марказий телеканалларда “Тилга эътибор”, “Она тилида сўзлашамиз”, “Нотиклик маҳорати”, “Тил – миллат кўзгуси”, “Китоб билим манбаи”, “Билимни ёшлар – келажак бунёдкори” каби туркум кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил қилиб, мунтазам равишда эфирга узатиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари) ва грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

10. Қуйидагиларга:

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментига – Концепция ва Дастурни амалга ошириш ҳамда Асосий йўналишларга эришиш борасида давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига – Концепция, Дастур ва Асосий йўналишларда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 20 октябрь

**Фармонга мувофиқ, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳамда асосий йўналишлари тасдиқланди. Мазкур фармонда 2025 йилгача давлат мактабгача таълим тизимида ўзбек тилли гуруҳлар қамровини кенгайтириш, янги дарслик ва қўлланмалар, электрон дастурлар яратиш, хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини кўпайтириш сингари муҳим вазифалар ўрин олган.**

Ўзбек тили халқимизнинг энг катта бойлиги десак хато бўлмайди. Олимларимизнинг айтишича, ўзбек тилининг илк илдизлари эраимиздан аввалги мингйилликларга бориб тақалади. Айрим турколог олимлар дунёдаги энг қадимий ёзма манбалардан бири бўлган, қадимги шумер тилида битилган "Гилгамеш" дostonини таҳлил қилишганда унда туркий тиллар, жумладан, бугунги ўзбек тилида ҳам фаол қўлланиб келинаётган 300 га яқин сўз ва сўз бирикмаларини аниқлашган. Қарангки, ҳозирги тилимиздаги оз, ёз, эр, қиз, буз, қуш, қош сингари сўзлар бундан 30-40 аср илгари ҳам ҳозиргидек кўринишда бўлган экан. Айна пайтда қадимги шумер тили бўйича тадқиқотлар давом этаётди.

Даниялик олим Вильгельм Томсен 1890-йилларда ҳозирги Мўғулистон ҳудудидан топган улкан харсангтошлар сиртидаги битиклар аввалига турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлганди. Кейин улар туркий халқларнинг ҳозиргача аниқланган энг қадимий ёдгорликлари "Ўрхун битиклари" номи билан дунёга донг таратади. Бу битиклар 680-745 йиллар орасида, Турк ҳоконлигининг "олтин" даврида руний алифбосида, эски туркий (кўктурк) тилда битилгани аниқланди. "Култигин", "Билга Ҳоқон" ва "Тўнюкүк" битиктошларидан иборат ушбу обидалар Ер юзидаги барча туркий тилларнинг энг нодир намунаси бўлса-да, бу битиклар услуби, жозибаси, тиниқлиги ўзбек тили учун ҳам хослиги аниқ кўринади. "Билга Ҳоқон битиги"даги "ҳоконлиг будун (эл) эрдим, ҳоконим қани?" сингари иборалар тилимизнинг эски кўктурк тилига қанчалик ҳамоҳанг эканини кўрсатади.

Эски ўзбек тили тарихда бугунгидан ҳам кенгроқ миқёсда ишлатилганини бир қатор тарихий манбалар исботлайди. Бу тил Шарқда Хитойнинг марказий қисмидан тортиб, ғарбда Литва князлигига қадар, шимолда Олтин Ўрдадан жанубда то Мисрга қадар улкан ҳудудда муомалада бўлган.

Хитойнинг Цин империяси (1644-1911) даврида Хэбэй вилояти ҳудудида қурилган Ёзги тоғ саройининг дарвозасида хитой, мўғул, манчжур, чигатой (эски ўзбек) ва тибет тилларидаги битиклар учрайди. Асосий

# МАМЛАКАТНИ ЯҚҚАЛАМ ҚИЛГАН ТИЛИМ

**Давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.**

дарвоза тепасида соф туркий тилда, настаълик хатида битилган "Равшан: ўртадаги дарвоза" деб ёзиб қўйилган. Олимларнинг айтишича, эски ўзбек тили Цинь империяси даврида ишлатилган бешта муҳим тилдан бири бўлган.

2012 йилда Миср Миллий кутубхонасида Алишер Навоийнинг ўғуз лаҳжасида битилган қадимий девони топилди. Бу Эҳромлар юртидан топилган илк туркий манба эмас. Маълумотларга кўра, буюк ўзбек шоири Сайфи Саройи умрининг охирига қадар Мисрда яшаган, шу ерда ўзининг ўзбек тилидаги бир қатор шеър у дostonлари яратган эди.

**Ўсиб тупрогим узра найзалар, мен эвдин айрилдим,**

**Ватандин бенишон ўлдим-да, ўзга юртга эврилдим.**

Бир пайтлар туркий адабиётнинг ёрқин вакили Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадуғ билиг" дostonи ҳам айнан шу ердан – Қоҳира кутубхонаси ертўласидан топилган. Қолаверса, бугунги кунда Қоҳира марказида Ўзбакхия деб аталадиган тарихий маҳалла, шу ном билан аталадиган кўча, масжид, театр ва боғ ҳам бор.

...Эсимда, 2006 йилда бир гуруҳ ҳамкасблар билан Мисрга боргандик. Қоҳирадаги қадимий "Хон ал-Ҳалилий" бозорида бир дўконга кирдик. Бир шеригимиз чиройли сувенирнинг нархини кўриб, менга:

– 20 фунт экан, сўранг-чи, 10 фунтга берармикин? – деб қолди. Шунда бизни кузатиб турган сотувчи ўзбек тилида "ўн беш фунт бера қолинг" деса бўладими?! Ўзга юртда юргангидега ўз тилингидега калом қулогинга жуда лазиз эшитиларкан. Маълум бўлишича, сотувчининг ота-боболари асли туркистонлик бўлиб, Мисрга келиб, ўрнашиб қолишган экан...

Суриянинг Дамашқ, Ҳалаб сингари шаҳарларида ҳам тарихий ўзбек маҳаллалари "ал-Ўзбакхия" номи билан машҳур бўлган. Умуман, Яқин Шарқ давлатларида ўзбеклар яшайдиган мавзелар кўп учрайди.

Эски ўзбек тили асрлар давомида нафақат мусулмон мамлакатлари, балки Европа марказигача кириб борган. Бу тилдаги кўплаб матнлар Шарқий Европа, жумладан, ҳозирги Литва, Украина, Польша ҳудудларидан ҳам топилган. Хусусан, 1618 йилда Львовда босма усулда чоп этилган "Олқиш битиги" китобидан олинган мана бу парчага эътибор қилинг:

**"Бермагин бизни синамоғлиқга, йўхса кутқар бизни ёмондан, Зеро, сенингдур хонлиқ-да, қув-**

**ват-да,**

**Сенга ҳайбат мангулик..."**

Маълумотларга кўра, Шарқий Европа ҳудудида яшаган, туркийлашган поляк, арман ва литваликлар ўзаро мулоқот тили сифатида қипчоқ лаҳжасидаги эски ўзбек тилидан фойдаланишган, ҳатто шу тилда ибодат қилишган, дуо ўқишган.

Амир Темура салтанати (1370-1405) даврида Буюк соҳибқирон асосий фармон ва қарорларни, келгуси авлод учун яратилган тошбитикларни ҳам эски ўзбек тилида битишга кўрсатма берган, "Темура тузуклари"нинг илк нусхаси ҳам она тилимизда битилган эди. Айрим тарихчиларнинг айтишича, мана бу соф ўзбекона мисрлар Соҳибқироннинг шеърый иқтидори маҳсули бўлган экан:

**Ёрга еткур сабоким, макр қилмишдур манга,**

**Қилди эрса кимга макрин, қайтаадур бир кун анга!**

Амир Темура томонидан 1391 йил Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриш қилган чоғида ҳозирги Қозоғистоннинг Қарағанда вилояти ҳудудидаги Улуғтоғ этакларида тошда битиб қолдирилган ушбу битиклар тилимиз Соҳибқирон пайтида қанчалик тиниқ ва жозибали бўлганини кўрсатади:

"Тарих етти юз тўқсон учинда, кўй йили ёз ойи ораси Туроннинг султони Темурабек уч юз минг черик била ислом учун Тўхтамишхон – Булғор хонига (қарши) қарши юриди. Бу ерга етиб, белги бўлсун деб бу ўбани кўпорди. Тангри нусрат бергай, иншоолоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилгай, бизни дуо била ёд қилгай".

Назм мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг ўзбек тили тараққиётида қўшган улкан хиссаси ҳақида ҳар қанча гапирсақ оз.

**Турк назмида чу мен тортиб алам,**

**Айладим ул мамлакатни яққалам,**

деганда буюк шоир тилимизнинг ўз даврида нуфузи, обрў-эътиборини юксалтиришга жуда катта ҳисса қўшганини ҳақли равишда эътироф этган эди. У ўзининг бой мероси билан туркий тилнинг бошқа тиллардан устун жиҳатларини ҳам амалда кўрсатиб берди. Навоий "Муҳокаматул-луғатийн" асарига туркий тилнинг афзал жиҳатларига ургу бериб, ўзга тилни афзал билган шоиру фозиллар ҳақида таассуф билан шундай деган эди:

"Бу халқ орасидин пайдо бўлган таъ ахли салоҳият ва таъбарин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар

эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди, ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди..."

Таассуфки, ўша даврларда ҳам тилимизнинг буюклиги ва бойлиги, гўзал ва бетакрорлигини тўла англамаган, унинг қадрига етмаган инсонлар бўлган экан. Бугун қувонч билан таъкидлай оламизки, ўзбек тили ўзининг қаддини кўтармоқда. Ер юзидаги етти мингга яқин тил ичида ўзбек тилининг ўз ўрни, нуфузи ва эътибори борлиги барчамизни қувонтиради.

Бизнинг она тилимиз мансуб бўлган туркий тиллар оиласига 30 дан ортиқ тиллар киради ва уларда Ер юзида 250 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Дунё миқёсида ўзбек тилида гаплашувчиларнинг умумий сони 50 миллионга етади.

Ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлган 100 га яқин тилларнинг бири экани ҳам қалбимизда фахру ғурур уйғотади. Агар дунёда 7000 га яқин тил ва лаҳжалар мавжудлигини эътиборга олсак, бу ёмон кўрсаткич эмас. Холбуки, дунёда давлат тили мақомига эга бўлмаган, аммо юз миллионлаб кишилар сўзлашадиган тиллар ҳам бор.

2019 йил 21 октябрь куни давлатимиз раҳбари "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонни имзолади. Унга биноан "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами кунини" деб белгиланди.

Яқинда Ўзбекистон Президентини БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида инсоният олдида турган энг муҳим масалалар хусусида ўзбек тилида нутқ сўзлагани тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеини муштаҳамлаш йўлида яна бир қадам бўлди.

Бир пайтлар Доғистоннинг буюк фарзанди Расул Ҳамзатов ўз она тили ҳақида ёзаркан:

**Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам,**

**Она тилим менга муқаддас буюк,**

деган эди. Не бахтки, бизнинг она тилимиз жаҳон минбаридан ҳам жаранг сочди. Бинобарин, бугунги кунда ҳар бир ўзбек Расул Ҳамзатов орзу қилган шарафга эриша олди, дейиш мумкин.

Давлат тили унинг барча рамзлари каби муқаддас саналади. Яқинда кучга кирган янги тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишни истаган шахс давлат тилини лозим даражада билиши кераклиги белгилаб қўйилди. Бундай тартиб дунёнинг кўплаб давлатларида жорий қилинган. Қўшни ва қардош халқларнинг давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатларида ҳам ҳар бир фуқаро учун давлат тилини билиш шарт қилиб белгиланган. Шундай экан, ўзини шу тупроққа дахлдор деб билган ҳар бир инсон давлат тилини хурмат қилиши, бу борадаги қонун ҳужжатларига риоя этиши керак бўлади.

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
**Адлия вазирлиги масъул ходими.**  
**ЎЗА**

# МИЛЛАТНИНГ БИРЛИГИ, БАРҲАЁТЛИГИ КЎЗГУСИ

(Боши 1-саҳифада)

Олтин куз фаслида ушбу сўлим маскан ҳам турфа рангларда янада гўзал кўринишга кирган... Навоий бобомиз, сўз санъати ривожига ҳисса қўшган бошқа ижодкорларнинг муаззам ҳайкаллари. Она тилимизга бўлган амалий эътибордан уларнинг ҳам руҳи шод бўлаётган эса, не ажаб.


21 октябрь – Ўзбек тили байрами муносабати билан бу ерга эрта тонгданоқ турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларнинг вакиллари, ижодкор зиёлилар, маънавият фидойилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар жам бўлди. Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, ҳар бир давлатнинг ривожланишида миллат ва халқ қадриятлари тимсоли бўлган она тили, унинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеи мустаҳкам ўрин тутди. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил одимлаётган мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини ошириш борасида сўнгги йилларда самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони маънавий-маърифий ҳаётимизда улкан тарихий воқелик бўлди. Унда она тилимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 21 октябрни Ўзбек тили байрами куни этиб белгилаш тўғрисидаги қонуни қабул қилинди. Мазкур ҳужжат она тилимизга бағишланган байрамни нанкин мамлакатимизда, балки дунёнинг турли давлатларида кенг нишонлашга муҳим туртки бергани диққатга сазовордир.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов бундай шуқуҳли кунларга етиб келмоқлик осон кечмагани, у ўзида минглаб ҳамюртларимизнинг орзуларини ифода этгани, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомининг ҳуқуқий



асослари, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва мавқеини ошириш хусусида батафсил сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор Низомидин Маҳмудов мамлакатимизда она тилимизнинг нуфузи ва мавқеини янада юксалтириш борасидаги эзгу ташаббуслар илм, маънавият ва маърифат аҳли, ижодкор зиёлилар зиммасига ҳам улкан ва айни дамда шарафли масъулият юклаётганини таъкидлади. Юртимиз олимлари томонидан “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” яратилди. Она тилимизнинг тарихий, илмий асосларини мукамал ўрганиш, луғатлар яратиш бўйича тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда.

Бугун мамлакатимиздаги маърифий янгиланиш жараёнлари – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўйиш палласида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Айни пайтда соҳага қаратилаётган чексиз эътибор Навоий қадрлаган, эъзозлаган тилга бўлган эҳтиромнинг амалдаги ёрқин намунасидир. Сана арафасида давлатимиз раҳбарининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилингани она тилимиз равнақи йўлидаги эзгу ташаббуслар амалга ошиши борасидаги муҳим қадамдир.

Эндиликда она тилимиз жаҳоннинг кўплаб илмий марказлари,

университетларида фаол ўрганилмоқда. Тадбирда ўзбек тилига қизиқувчи бир гуруҳ хорижлик тадқиқотчиларнинг она тилимизда янраган видео табрик ва фикрлари иштирокчиларга онлайн тарзда тақдим этилди.

– Ўзбек тилига меҳрим жуда баланд, – дейди америкалик таълим таржимон ва тадқиқотчи, “Дўстлик” ордени соҳиби Марк Эдвард Риз. – Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини инглиз тилига таржима қилдим. Ўзбекистон менинг ҳаётимга катта таъсир кўрсатган диёр. 1994 йилдан буён ўзбек тилини ўрганаёпман. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон, унинг халқининг тафаккури ўзгарди. Янги жамият барпо бўлмоқда. Бир вақтлар дўстларим менга бошқа тилларни ўрганишни маслаҳат берган эди. Лекин мен ўзбек тилини пухта эгаллашга астойдил киришдим. Эндиликда “Меҳробдан чаён” асарини таржима қилиш ниятидаман. Барча ўзбекистонликларни Ўзбек тили байрами билан самимий муборакбод этаман.

– Ҳаётимдаги энг гўзал дамлар Ўзбекистон билан боғлиқ, – деди Жанубий Кореянинг Ханкук чет тиллар университети профессори Ли Жи Ин. – Тошкент давлат шарқшунослик университетида таҳсил олганман. Бу гўзал тилни шу ерда ўргандим. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бизда ўзбек тилини ўрганишга оид дарслик чоп этилди. Ўзбек тилини ўрганиш юзасидан имтиҳонларни босқичма-босқич ўтказиш режамизда бор. Бу корейликларнинг Ўзбекистонга бўлган эҳтироми ва ҳурматининг амалий намунасидир. Ўзбекистон ёшларига қарата шуни айтмоқчи эдимки, сизларнинг тилингизда Навоий,

Бобур, Нодира сўзлаган. Бу авлодлар учун катта бахт ва шарафдир. Фарзандларингиз, уларнинг фарзандлари учун ушбу мафтункор тилни сақлаб, асраб-авайлашингизни истар эдим.

Шунингдек, Ҳиндистондаги Жамия Миллия Исломия университетининг ўзбек тили ўқитувчиси, профессор Шаҳид Таслим, Токио чет тиллар университети талабаси, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўзбек тилини ўрганган япониялик Рио Наитонинг она тилимизни эъзозлаш, уни хорижда кенг ўрганиш ва тарғиб этишга доир самимий фикрлари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда тазквон-до бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Дмитрий Шокин ўзбек тилига ҳурмат ва эҳтиром, ўзининг спортдаги ютуқлари, келгусидаги ютуқлари ҳақида сўзлади.

– Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсдим, шу диёрда вояга етдим, – деди Д. Шокин. – Ўзбек тилида сўзлашиш мен учун гоёт мароқли ва ёқимлидир. Болалиқдан дўстларим, синфдошларим, қадрдонларим билан шу тилда сўзлашиш катта бўлди. Ўзбек тилининг жаҳон миқёсида кенг қулоч ёзишида биз – спортчиларнинг ҳам хиссаси борлигидан фахрланаман. Бундай шарафли вазифага ўз хиссамни қўшаётганимдан гоёт мамнунман. Халқаро мусобақаларда зафар қозонганимизда Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпирайди, давлатимиз мадҳияси баралла янграйди. Демакки, ўзбек тили минглаб чет эликлар қулоғи остида жаранглайди. Ўзбек тилининг ривожига қўшаётган улкан хиссаси учун Президентимизга чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид ўзининг она тилимизни улуғловчи янги шеърини ўқиб берди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов ўзбек тилини ривожлантириш ва кенг тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ тилшунос олим ва ижодкор зиёлиларга “Маънавият фидойиси” кўкрак нишонини топширди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдуҷаббор Абдуваҳитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Беҳзод Мусаев иштирок этди.

Адиблар хиёбонида адабий-маърифий тадбирлар кун бўйи давом этди. Она тили байрамига бағишланган бу каби шуқуҳли маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча гўшаларида кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

**Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.**

ИПОТЕКА BANK

Реклама хукуқи асосида

# КУЛИБ ТУРГАН УЙЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

## ОСТАНАДАН БОШЛАНАЁТГАН ВАТАН

Халқимизда "Ўз уйинг – ўлан тўшагинг" деган нақл бежиз пайдо бўлмаган. Янги оила бунёд этиб катта ҳаёт сари қадам қўяётган ҳар бир инсон борки, аввало ўз уйига эга бўлишни, халқона тарзда айтганда ватанли бўлишни истайди. Зотан инсон тафаккуридаги эркинлик, мустақиллик, кўйинги барча инсонийлик хислатлари аввало ана шундай ватанли бўлишдан бошланади. Ўзининг муқим яшайдиган уйига эга бўлмаган киши ўзини ҳеч қачон чинакам эркин ва мустақил санай олмайди. Шу боисдан ҳам уй-жой масаласи нафақат ижтимоий эҳтиёж, балки инсон яшashi, турмуш тарзи, онг ва тафаккурига боғлиқ бўлган жиддий иш ҳисобланади.

Қайсидир маънода ўз уйи, ўлан тўшагига, яъни эл таъбири билан айтганда ўз "кичик ватани"га эга бўлган оилани эркинликни, мустақилликни қўлга киритганлар сафига бемалол қўшса бўлади. Негаки, диёримизда, она тупроғимизда, аҳли хонадонимизда тинчлик, тотувлик, меҳнату ижод равнақ топаётганидан бошимиз кўкларда, кўнглимиз бир қадар хотиржамдир. Лекин буларнинг бариси уй-жойсиз, бошпанасиз сира-сира татимайди, сингмайди. Чиндан ҳам, одам бола-сининг рисоладагидек умргузаронлик қилиши, бола-чақаси билан тинч-тотув, аҳил-иноқ, оёғини бемалол уза-тиб ҳаёт кечиришида бошқа омиллар билан бир қаторда, уй-жойли яъни "ватанли" бўлиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Дарҳақиқат, муқим турар жойи бўлмаган инсоннинг ишида унум, туриш-туришида хузур-ҳаловат бўлмаслиги тажрибада кўп бора кўзатишган. Боиси юрса ҳам, турса ҳам уйли бўлиш ташвиши унинг қалбини кемтик қилиб туради.

Мана шу каби кўплаб омиллар эътиборга олинбди аҳолига ўзи истаган манзилдан уй-жой сотиб олишлари учун мавжуд молия муассасалари томонидан етарлича кредит маблағлари ажратилишига изн берилди. Бу бир қараганда, шу маҳалгача ижарама-ижара тўлаётган кўплаб оила соҳиблари кўнглида умид шуъласини ёққан рости. Шунинг учун бундай одамлар бир-бирлари билан учрашиб қолишганида, "қандай



олсам экан, бу ташвишлардан қутулиш йўли бормикан" деган саволу сўроқлар ўрнига, ишонч билан "шундай қилса, бўлар экан-ку" дейишмоқда. Аслида бу ҳам оддий одамлар ташвишини аритиш мақсадида қўл урилган навбатдаги эзгу ва савобли амаллардандир. Зотан, ватанпарварлик ҳам, юртга муҳаббат ҳам ана шу янги хонадонлар остонасидан бошланмоқда.

## УЗОҚ КУТТИРГАН БАХТ

Аслида турар-жойга талаби бўлган кўпдан-кўп оилалар ўзи вақтинчалик ижарада турган маҳалласидагина эмас, балки республика миқёсидаги турли таъминот, қурилиш ташкилотлари, идоралар, ҳокимият раҳбарлари ҳам яхши таниш бўлиб қолганлар. Хонадон соҳиби Солижоннинг тирикчилигида, оёқда мустаҳкам турганида ижарама-ижара сарсон-саргардон юрган оиласини уй-жойли қиламан, бола-чақам ўша жойда яйраб-яшнаб яшасин, дея турли хил ташкилотларга кунда-кунора бўзчининг моқисидек қатнайвериби тинка-мадори қуриди. Бу борада у қанчадан-қанча расмиятчи, каландимоғ, сиркаси сув кўтармайдиган, қоғозбоз бўлган турли маҳаллий раҳбарлар билан рўбару келиб олишмади дейсиз. Лекин унмаган жойини ундиришга, йўқдан бор қилишга бўлган умидини асло сўндирмади. Ақобирлар билан ораларидан қанчадан-қанча иссиқ-совуқ гаплар ўтмаган бўлмасин, ҳатто унинг муҳолифлари ҳам унинг сабр-бардошига, чидам-тоқатиға, салоҳиятига тан беришдан бошқа иложи

қолмади. Ўт-шудли, уддабурон эканлигидан кўз юма олмадилар. Нима бўлганда ҳам, у оиласи, бола-чақаси учун қайишиб, югуриб-елиб, тортишиб сираям кам бўлмади. Ҳаётида рўй берган бир воқеа сабаб у шундай бир ҳақиқатни англадики, сабр билан кутиш, яхшилик, меҳр-оқибат ҳеч қачон ерда қолмас экан...

## ОБОД КЕНТЛАР ДОВРУҒИ

Биласиз, одамларимиз юз бир гапирган гаплардан эмас, бир қилган ишиндан улгу, ўрناق оладилар. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида муҳим ислохотларнинг узвий узаги бўлди, десак асло муболага қилмаган бўламиз. Қолаверса, мазкур муҳим ҳужжат сабаб, кўпдан-кўп ноқулайлик ва тушунмовчиликларга узил-кесил чек қўйилмаган бўлди. Гап шундаки, мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, 2020 йилдан бошлаб аҳолига тижорат банклари томонидан янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратиш йўлга қўйилди. Одамнинг кўнглини кўтаридиган жиҳати шундаки, эндиликда кам ташминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоиизнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўланади.

Аслини олганда, бу ҳам давлатимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Эндиликда фуқаролар бирламчи бозордан исталган жойдан ўзи танлаган уй-жойни ипотека кредити ҳисобига сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Қолаверса, шу ўринда айрим шахсларга (кам даромадли ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларга) ипотека кредитлари учун субсидиялар ажратилишини ҳам ёддан чиқармаслик керак бўлади.

Шу ўринда ипотека кредитлари аҳолига неча йил муддатга ажратилади деган савол пайдо бўлиши табиий. Уларга шуни маълум қиламизки, дастур доирасида ипотека кредитлари аҳолига йигирма (20) йил муддатга тижорат фоииз ставкаларида (буғунги кунда 17-18 фоииздан) аннуитет тўлов шарти билан ажратилади. Бошланғич бадал эса йигирма фоииздан кам бўлмаслиги зарур. Айрим шахсларга уй-жой бошланғич бадал суммасининг тенг ярми ва кредит фоиизларининг вилоят шаҳарларида 10 фоииздан ва Тошкент шаҳрида 12 фоииздан ортан қисми давлат бюджети томонидан тўлаб берилади. Бу ҳам оилаларга маълум маънода қулайлик яратади.

Кредитлар мамлакатимизда энг аввало давлат дастури доирасида ажратилишини эслатиб ўтмоқчимиз. Ушбу кредит аҳолига 20 йил муддатга 1 йил имтиёзли давр билан дастлабки 5 йилда 7 фоииздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида бўлиши аниқ кўрсатиб ўтилган. Масалан, фуқаро томонидан сўралган 260 млн. сўм мисолида банк томонидан фуқароларга таклиф этилаётган ипотека кредитлари бўйича ойлик кредит тўловларини ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, уй-жой баҳоси 260 млн. сўм бўлганда, бошланғич бадал 39 млн. сўм, ипотека кредити 221 млн. сўм бўлишини айтиб ўтмоқчимиз. Фуқаро бундай шароитда 3 млн. 210 минг сўм тўлаши зарур бўлади.


Албатта, дастур доирасида қурилаётган уй-жойлар қиймати асоссиз ортинининг олдини олиш, уйларнинг қурилишида маҳаллий хомашё, замонавий материаллардан кенг фойдаланиш масалаларига мамлакат раҳбарияти томонидан катта ва жиддий аҳамият берилмоқда. Бу борада кучли назорат ўрнатилган деб бемалол айта оламиз. Уй-жойлар қурилишида ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари – гишт, том ёпиш материаллари, эшик, ром каби ёғоч материаллар умумий бинокорлик ашёларининг катта қисмини ташкил этишини инobatта олган ҳолда, уларни ишлаб чиқарадиган ихчам ва замонавий қувватларни ишга тушириш асосида нархларни мақбуллаштириш борасида ҳам бир қатор режалли тадбирларга қўл урилди.

"Ипотека-банк" АТИБ юқорида белгиланган вазифалар билан бир

қаторда, мамлакатимиз молиявий хизматлари бозоридан универсал банк сифатида фаолият кўламини кенгайтириб, ўз миқозларига кенг кўламли банк хизматларини кўрсатиш, банк хизматлари сифатини замонавий талаблар даражасига кўтариш юзасидан изчил фаолият олиб бормоқда. Буни эътиборингизга ҳавола этилаётган кўйидаги рақамларда ҳам кўрса бўлади. Молия муассасасининг мустақим ресурслар базасини шакллантириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда барча асосий кўрсаткичларнинг ижобий бўлиши юзасидан доимий тарзда амалий чоралар кўриб борилмоқда. Масалан, биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмининг такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 1 майдаги “Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлашга киришилганига маълум бир вақт бўлди. Очиги, мазкур ҳужжатларга кўра, 2020 йилдан бошлаб аҳолига ипотека кредитлари фақатгина аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга эмас, балки аҳолининг барча қатламларига тижорат шартларида ипотека кредитлари ажратилиши йўлга қўйилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, эндиликда ипотека кредитлари асосан давлат дастури доирасидаги қуриладиган уй-жойлар учун эмас, балки барча қурувчилар томонидан барпо этиладиган уй-жойларга бир хил шартларда ипотека кредитлари ажратилмоқда бўлди.

Амалга оширилган бу тахлит ишлар натижасида мамлакат қурилиш бозори янада эркинлаштирилишига ва рақобат муҳити ривожланишига кенг имкон туғилади. “Ипотека банк” мазкур қарор ва фармон талабларидан келиб чиқиб, кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларига кредитлар ажратиб келмоқда. Қурилиш ташкилотларини кўллаб-қувватлаш мақсадига, қарорга асосан қурилиш ташкилотлари тижорат банкларидан кредит оладиган ҳолларда 8 миллиард сўмгача, Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллигини олиши ва 20 миллиард сўмгача олинмаган кредит фоизларини Марказий банк асосий ставкасидан банд бўлган қисми (10 банддан ортиқ бўлмаган миқдорда) жамғарма томонидан қоплаб берилиши белгиланган. Бу орқали эса қурилиш ташкилотларига бир қатор энгилликлар яратиб берилади. Бу имконият уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи кўплаб меҳнат жамоаларини хурсанд этмоқда.

Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари кейинги йилларда гулу гулзорларга бурканиб бораётгани рост. Бироқ катта шаҳарлардаги қурилишлар, қад ростлаётган янги уй-жойлар кентлар чиройига ўзгача чирой қўшмоқда. Бунга ҳар бир элдошимиз шаҳсан гувоҳ бўлиб турибди. Бугунги кунда “Ипотека-банк” АТИБ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумий майдони 365,5 минг кв.м бўлган 4831 хонадондан иборат 73 та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини молиялаштириш учун 48 та пудрат ташкилотларига 607,3 млрд. сўм миқдорда кредит лини-



яларини очиб, ҳозирда кредитлар босқичма-босқич берилаяпти. Мазкур уй-жойларнинг қиймати эса 1 трл. 585 млрд. сўмдан иборатдир. Таъбир жоиз бўлса, ушбу маблағлар эвазига қурилган уйларга қанчадан-қанча оилалар кўчиб киради. Уларнинг узоқ йиллик орзу-армонлари ушалади.

Тагин муҳим бир гап. Янги тартиб бўйича Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан 2 557 хонадонли 31 та кўп қаватли уй-жой бўйича 187,5 млрд. сўмлик кредит учун компенсация ва 59 млрд. сўмлик кафиллигидан фойдаланиш юзасидан шартномалар имзоланди. Қолаверса, пудратчилар томонидан уй-жойлар қурилиши якунлангандан кейин, ушбу уй-жойлар аҳолига узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида сотилишидан келиб тушган маблағлар ҳисобидан сўндирилади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, молия муассасаси томонидан пудратчи ташкилотларга қурилиш учун кредит ажратиш бора-сидаги ишлар ҳам тобора авж олиб бормоқда.

Банк томонидан кўп қаватли уй-жойларни қуриш учун кредитлар уй-жой қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз айланма маблағларига, етарли моддий-техника базаси ва тажрибали мутахассисларга эга пудрат қурилиш ташкилотларига ажратилади. Пудрат қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи сифатида фаолият кўрсатади. Кредитдан фойдаланиш муддати уй-жойини фойдаланишга топшириш, ундан квартиралар сотувини амалга ошириш муддатидан келиб чиққан ҳолда 2 йил этиб берилади. Бунда кредит фоизи тижорат шартлари асосида бўлишини унутмаслик керак.

Банкда бўлган куним етарли миқдорда кредит олиб, уй-жойга эга бўлган ёш оилани учратдим. Жажжигина, эндигина қадам босаётган ўғилчасининг кўлидан тутган бу жуфтлик чиндан ҳам бахтиёр, шод эди. Гуёки, улар ҳаётдан, кўрган кунидан масрур бўлганича, осмонларда учиб юрарди. Улар ортидан кўпчилик ҳавас билан анчагача қараб қолишди.

### ҚАЛБНИ ЁЛҚИНЛАНТИРГАН ШУЪЛА

Яқинда Олой бозори яқинидаги йўлакдан кета туриб бир танишимни учратиш қолдим. Салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрашдим. Унинг оғзи қу-

логда. Нақд бойлик топиб олгандек илжайгани-илжайган. Гап мавриди айланиб келиб, уй-жой масаласига бориб тақалди.

Шунда танишим узоқ йиллар давомида оиласи билан халқ тилида “хуришчёвқа” деб атайдиган, тор, катликдек келадиган, ноқулай “дом”да умргузаронлик қилиб келганлигини афсус, надомат билан куйиниб гапириб қолди: “Агар ўша “дом”га уч-тўртта меҳмон келиб қолса-ку, ташвишимиз, бесаранжомлигимиз ўн чандон ортарди. Дард устига чипқон, деганларидек яна тагин қатор ноқулайликлар одамнинг тинқасини қуритарди. Шу боисдан бўлса керак, биринчи имконият туғилиши билан ўша жойдан бошқа манзилга кўчиб кетишни дилимга тугиб қўйгандим. Буни қаранг, биз аснода давлатимиз томонидан бу синари кўплаб инсонлар қалбини кемираётган масалани ҳис этишга, савобли ишга жазм этилибди. Тўғрироғи, уй-жойга эҳтиёжи бор оилалар учун зарурича ипотека кредитлари ажратиб бериладиган бўлди. Тўғри, кредитнинг фоизлари сал юқорироқ бўлсам, биз бу энгилликдан илжиб борица тезроқ фойдаланишга ҳаракат қилдик...” Назаримда танишим ўзи ва оиласини узоқ вақтдан буён қийнаб келаётган ҳолат сабабини очиқ-ойдин, лўнда ва содда тилда ифодалаб берган эди.

Рости, юқоридаги сингари аввал пухта ўйланмасдан, ўзлари билганича, кўпгина зарур шарт-шароитлар инobatга олинмасдан қурилган катликдек “дом”ларда илжисиз яшаб, дарди-дунёси ичидан юрган сон-саноксиз юртдошларимизга сўнгги вақтда кўп бора дуч келяпмиз. Ҳаттоки, замонавий, шаҳарсозликнинг барча қонун-қоидаларига амал қилиб барпо этилган бундай уйларни бутун умр орзу қилиб, ҳаётдан ўтиб кетган инсонлар ҳам кўп учради. Не умидлар билан ўша қувончли кунни кутган, уй-жой сотиб олинган деган хонадон эгаларининг кўпчилиги орзусига етолмади. Минг афсуски, маълум бир вақт ушбу омил назардан четда қолди. Бу эса аҳоли орасида норозилик кайфиятини туғдиргани ҳам афсуски, рост.

Мана, вазиат бутунлай бошқа томонга ўзгармоқда. Сўнгги вақтларда аҳолига ўз вақтида пухта лойиҳалар асосида, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган уй-жойлар тақриф этилмоқда. Чунки, бундай қурилган уйлар шаҳар қиёфасини беэайди. Давлат раҳбари ўзининг қатор чиқишларидан бот-бот, турар жойлар масаласини ўртага ташлаётгани бежиз эмас. Қўйингчи, иморатни

агар меъморлар лойиҳаси асосида, узоқни кўзлаб қурадиган бўлса, бу уйлардан нафақат бугун, балки яна 50-100 йиллардан кейин ҳам бемалол фойдаланиш имконияти кўпроқ бўлади. Нафсламбрини айтганда, давлат, қурилиш ташкилотлари томонидан бунёд этилган хонадонда фарзанди, набираси ҳеч қандай турар жой ташвишига андармон бўлмасдан умргузаронлик қилишига нима етсин?

Табики, уй қуриш ташвишидан холи фарзанд қимматли вақтини ўз касбининг пухта мутахассиси бўлишга, изланишга сарфлайди. Қолаверса, юқоридаги менинг танишимга ўхшаб, меҳнат таътили вақтида ўзи режалаштириб қўйган ишларига сарфлашига имкон туғилади. Энг муҳими, оила бюджетидан ортиқча сарф-харажатларга хожат қолмайди.

Биласизки, кўплаб элдошларимиз яшаш шароитларини эпаякча келтириш, уй-жойини тиклаш учун қимматли вақтларини аяшмайди. Бугун узоқни кўзлаб иморат солаётган замондошларимиз ўз зурриётларининг келажақда муайян турмуш ташвишларидан холи бўлишлари, яхши яшашлари, янада унумли ишлашлари учун мустақкам, пишиқ-пухта пойдевор қўймоқдалар. Тагин-да бу сингари эзгу савобга йўғрилган ишлардан жамиятимизнинг эртаси манфаат кўради. Шу маънода, давлат раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлигининг моҳияти рўй-рост ойдинлашмоқда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасак бўлмас. Гап шаҳарларда қурилиш компаниялари, қўли гул қурувчилар томонидан барпо этилаётган бир-бирдан кўркам, осмонўпар кўп қаватли уйлар бир неча авлодга хизмат қилиши ҳақида борар экан, менинг назаримда, бунда яшаш тарзимиз, менталитетимиз, миллий-маънавий қадриятларимиз инobatга олинмиши керак. Меъморлар томонидан тайёрланаётган лойиҳалар пишиқ-пухта, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, кенг ва ёруғ, энг муҳими чўнтақбоп бўлиши зарур. Қолаверса, кўп қаватли уй-жой ҳовлисига экилган арча даррахти, кўм-кўк майсазор, йўлқалар, кўркам манзара кишига руҳий кўтаринкилик, хушқайфият бағишлайди. Камина шаҳарларимиз кўркіга-кўрк қўшаётган, қараса, бошидан қалпоғи тушиб кетадиган ушбу замонавий кўп қаватли иморатларни “Қулиб турган уй” деган бўлардим. Негаки, бундай уйларда ҳар қандай одамнинг шодон яшагиси келади.

Сирасини айтганда, “Ипотека банк” ва унинг жойлардаги филлиаллари жамоаларининг барча диққат-эътибори давлатимиз раҳбарининг иқтисодий-тиарақий эътириш, қишлоқ ва шаҳарларда бунёдкорлик ишларини изчил олиб бориш, айниқса, зиммаларидаги вазифа ва топшириқларни тўлиқ ва вақтида адо этиш ҳамда бошқа тадбирлар асосида халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга эришиш борасидаги устувор вазифаларни бекаму кўст бажаришга қаратилмоқда. Зеро, одамлар қалбидан муносиб жой олиш ҳар қандай жамоага ҳам насиб этавермайди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда “Ипотека банк” жамоасига омад тилаймиз.

Ўз мухбиримиз.

Сидқидилдан қилинган меҳнат натижасида ҳар гектардан ўртача 31,7 центнердан ҳосил олинди. Жами 63 406 гектарнинг 28 394 гектарига "Андижон-35", 10 986 гектарига "С-6524", 10 770 гектарига "Султон" ва 4 737 гектарига "Наманган-34" нави ҳамда 8 519 гектар майдонга истиқболли ва янги навлар экилиб, меҳр билан оби-тобида парваришланди.



# ЮКСАК ХИРМОН МУБОРАК, НАМАНГАН!

Ушбу зафар марраси сари дастлабки қадам эрта баҳорда 1 849 та фермер хўжалиги ва 7 та кластер корхонаси томонидан 63 406 гектар майдонга яхши ниятлар билан чигит экишдан бошланганди.

Теримни тизимли ташкил этиш мақсадида 1 381 та отряд шакллантирилиб, 184 минг нафар теримчи жалб этилди. Уларга пандемия шароити, тиббий-гигиеник талабларидан келиб чиқиб, барча шарт-шароитлар яратилди. Терим пуллари ўз вақтида тўланиб. Илғорлар моддий жиҳатдан мунтазам равишда рағбатлантириб борилди.

Вилоятда бу йил 45 та терим машинаси теримда қатнашди. Ўтган йили 13 та машинада пахта терилган бўлса, бу йил уларнинг сони 45 тага етказилгани ҳам терим унумдорлигини бир неча баробарга оширди.

Чортоқ, Мингбулоқ, Наманган, Тўрақўрғон, Норин ва Поп туманлари пахта сотиш режасини бажарди. Қолган туманлар ҳам марра сари тобора яқинлашмоқда.

Кластер тизимига ўтилиб, фермер хўжалиklarнинг техника, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминланиш даражаси яшилганлиги ҳисобига йилдан йилга юқори ҳосил олаётган фермер хўжалиklари сафи кенгайиб бораётгани янада қувонарлидир.

## ЮҚОРИ ЦЕНТНЕРЧИЛАР

Илғор ва юқори центнерчи фермерлар сони йилдан-йилга ортиб борапти. Чортоқ туманидаги "Тўрақўрғон" фермер хўжалиги Жўрабой Мунаввар" фермер хўжалиги гектаридан 52,8 центнер, "Короскон олтин диёр" фермер хўжалиги 51,1,



Мингбулоқ туманидаги "Машраббой Сайдалиев" фермер хўжалиги 41,6, "Бахтиёр Абдусаломович" фермер хўжалиги 40,5, Наманган туманидаги "Гофуржон ота ОЭФ" фермер хўжалиги 55,2, "Ўринбой пахтакор" фермер хўжалиги 54,4, Тўрақўрғон туманидаги "Комилов Турсунбой" фермер хўжалиги 50,8, "Оллаёр" фермер хўжалиги 45,5, Норин туманидаги "Қобулжон Муштарий" фермер хўжалиги 46, "Фозилжон қизи Зулхумор" фермер хўжалиги 46,5, Поп туманидаги "Маргизор замини" хусусий корхонаси 49,7, "Тошпўлат Тўрақўрғон Расулжон" фермер хўжалиги 42,1 центнердан ҳосил олиб бу борадаги рўйхатнинг бошида борапти.

## ЕТАКЧИ КЛАСТЕР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрда қабул қилинган "Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Поп туманларида агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "ART SOFT HOLDING" масъулияти чекланган жамиятига Поп туманидан 31,5 минг гектар ва Мингбулоқ туманидан 30,9 минг гектар ер майдонлари ажратиб

берилгач, пахта ва ғаллачилик кластери сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. Ушбу МЧЖ ихтиёрида жами 39 та пахта териш машинаси бор.

Кластернинг афзаллиги ва иқтисодиётимизда ҳар жиҳатдан мустақкам таянчлигини биргина Мингбулоқ туманидаги мазкур тизим фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Тумандаги терим машиналарининг 19 таси бевосита кластерларга тегишли бўлиб, терилган пахта хомашёсини сифатли сақлаш ҳамда қайта ишлаш учун "ART SOFT HOLDING"га қарашли пахта тайёрлов масканлари қабул қилиб олди. Гулбоғ, Дамқўл, Гигант ва Навойи пахта пунктлари хирмонга тўлди. Туманда "ART SOFT HOLDING" кластери бошчилигида жами фермер хўжалиklари режани 104,4 фоизга бажариб, 36 611 тонналик хирмон кўтарди. Бу улкан хирмонга Наманган шаҳридан келган кўнгилли ҳашарчилар ҳам муносиб ҳисса қўшди.



## ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Кўзланган режадаги саноат хомашёсини уюб маррага етган туманлар илғорларини муносиб рағбатлантириш аъёнага айланган. Шунга мувофиқ, Мингбулоқ туманидаги маданият марказида давлатга пахта хомашёсини топшириш режаси ортиги билан бажарилганига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тантанали маросимда вилоят ҳокими вазирасини бажарувчи Шавкат Абдураizzoқов иштирок этди.

– Мингбулоқ вилоятнинг энг пешқадам туманига айланади, – деди вилоят ҳокими. – Бунинг учун туманнинг ўсиш нуқталарига эътибор қаратишимиз керак. Мингбулоқликлар, уларга кўмакка келган ҳашарчиларнинг меҳнатсеварлиги ва тантилигини ҳар қанча эътироф этса арзийди. Туман далаларини айландим, ҳосил жуда мўл. 50 центнердан ҳосил кўтариб, ҳали биринчи терими турган фермер хўжалиklarимиз бор. Режани бемаъл 110 фоизгача етказиш имконияти мавжуд. "Қарс икки қўлдан" дейишади. Туманда инфратузилмани янгилаш, ҳудудни ободонлаштириш ишлари учун вилоят бюджетидан 2 миллиард сўм ажратишга қарор қилдик. Олдинроқ туман ихтиёрида 1,2 миллиард сўм қолдирилган эди. Биз бундан кейин ҳам Мингбулоқни вилоятнинг энг пешқадам ва фаровон ҳудудига айлантириш борасидаги ишларимизни давом эттирамиз.


Вилоят ҳокими Мингбулоқнинг ўсиш нуқталарига алоҳида эътибор қаратиб, туманда кластер усулидаги балиқчилик ва шолчилик, саноат ривожланиши устувор йўналишлар бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Тадбирда 2020 йил пахта ҳосилини йиғиб-тегиб олишда жонбозлик кўрсатган фаоллар вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

## ОИЛАЛАРГА МИЛЛИОНЛАБ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, теримда иштирок этган фермер хўжалиklари аъёolari, уюлмаган аҳоли каби оиласига қўшимча даромад киритиш ниятидаги минглаб кўнгилли теримчилар орасида кунига 120 килодан пахта терганлари ҳам бор. Ҳар





килоси учун биринчи теримда 1000 сўмдан тўланганини ҳисобласак, оилалар миллионлаб қўшимча даромадли бўлгани ойдинлашади. Бундай илғор ташаббускор битта оиладан уч кишигача теримда ишлаганлари ҳам бор. Бу кунига ўша оиллага ўртача 360000 сўм қўшимча даромаддир. Шу тариқа мавсум давомида илғор теримчи оилалар қанча даромад олганини ҳисоблаш қийин эмас. Терим пуллари эса ўз муддатида тўлаб борилди. Катта даромад олган ҳар қандай кишининг янада жўшиб ишлаши тайин. Умуман, теримчиларга бугунги кун талаби даражасида қўлай шароитларни яратиш доимий эътибордаги долзарб вазифа бўлди. Шийпонларда тушлик иссиқ овқат ва коронавирус пандемияси даврида эпидемик вазият барқарорлигини таъминлаш мақсадида пахта хомашёси йиғим-теримида қатнашадиган теримчи ва ишчи ходимларга тегишли тиббий хизматлар ташкил этилди. Бундан ташқари, далада меҳнат қилаётганларга асосий турдаги истеъмол маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш учун савдо ташкилотлари бириктирилди, кўчма дўконлар улар хизматида бўлди. Далалардаги ҳосил чамаланган, яна қўшимча 5000 тонна sanoat хомашёси топширишга имконият борлиги маълум бўлди.

### ИЛҒОР ФЕРМЕРЛАР КҮП

Мингбулоқ туманида илғор фермерлар талайгина: “Дур марварид дийёр”, “Умарали издошлари”, “Баҳодир Абдусалом”, Барно Мадина Достон”, “Раҳмонали ота ИНР”... Бизга шулар каби йигирмага яқин илғор фермерлар рўйхатини тақдим қилишди. Ушбу фермерларнинг режа бажариш кўрсаткичи 116 дан 132 фоизгача ташкил қилади.

– Туманда биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш шартномавий режасини ортиги билан бажардик, – дейди Хоразм МТПсига қарашли “Шухрат Абдуқосимов” фермер хўжалиги раҳбари Ш. Холдоров. – Умумий пахта майдонимиз 22,6 гектарни ташкил қилади. Ихтиёримизда ерга ишлов берадиган 3 та трактор бор. Терим мавсумини юқори уюшқоқлик билан жадаллаштирганимиз боис натижа ҳам шунга яраша бўлди. Туманимизда “ART SOFT HOLDING”га қарашли кластерни ташкил этилгани ҳам айни муддаодир. Қолаверса, терим учун пулларини эртасигаёқ далада кўтаринки кайфиятда тўлаб бордик. Илғор теримчиларимиздан Марғуба Холдорова, Озода Тошқўзиева, Нафиса Худойбердиевалар кунига 120-130 килогача пахта териб, қўшимча совғаларимизга ҳам сазовор

бўлди. Илғорлардан яна бири Нафиса Сирожиiddинова жами 4200000 сўм даромад олди.

### ТЕРИМ – ЮЗ ФОИЗ МАШИНАДА

Қўл теримини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш пахтачиликдаги долзарб масалалардан биридир. Пахта майдонида жадал ишлаётган терим хўжалигини кўрганимиз ҳолда негадир ён-атрофда биронта теримчи йўқлигидан ҳайрон бўлдик. Наҳотки етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси машина ёрдамида терилаётган бўлса?

– Ҳа, пахтаимизни юз фоиз машинада теряпмиз, – дейди “Мингбулоқ порлоғи” фермер хўжалиги раҳбари Ботир Деҳқонов. – Тасарруфимиздаги 127 гектарнинг 62,7 гектарига пахта эканмиз. 32,2 центнердан ҳосил олиб, режани биринчилар қаторида бажардик. Ихтиёримизда 10 турдаги барча зарур техникалар бор. АҚШда ишлаб чиқарилган пахта териш машинасини 2017 йилда лизингга харид қилганмиз. Лизинг харажатларини тўлаш муддати ўн йил бўлса, шуни 6 йилда тўла қоплашимиз мумкин. Терим машинасининг иш унумдорлигини таққосладиган бўлсак, бир кунда беш юз нафар теримчининг ишини бажариб, 30-35 тоннагача, гектарига юз минг сўмлик ёнилғи сарфлаб, 3,5 тоннагача пахта теради. Унумдорлиги кўл теримига нисбатан жуда юқори.

– Машинадан уч йилдан буён фойдаланаётган бўлсак, шпинделларни мойлаш, мотор мойларини алмаштириш каби жузъий харажатларни ҳисобга олмаганда, соз ҳолатда ишляпти, – дейди хўжалик ҳисобчиси Қодирхон Деҳқонов. – Агар зарурат бўлса, техник хизмат кўрсатувчи “Landtech” фирмаси барча зарур эҳтиёт қисмларини етказиб беради.

– Машинани бошқариш учун бир ойлик курсда ўқидик, – дейди ҳайдовчи Комилжон Тожибоев. – Теримда қўлай, кўрсаткичлари юқори бўлган замонавий техника воситаси эканлигига иқрор бўлдим.

Таъкидлаш жоизки, бу йил Наманган вилояти далаларида мўл-кўл ҳосил яратилди. Мингбулоқ, Учқўрғон, Норин туманларида ҳатто, ҳали биринчи терим пахталар бор. Демак, бундай жозибали манзаралар сўзиде устувор, пок ниятли наманганликларнинг янада бўй чўзажак хирмонидан далолатдир.

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,**  
**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ**  
тайёрлади.

## СИРДАРЁЛИКЛАРНИНГ САРБАЛАНД ПАХТА ХИРМОНЛАРИ

**Пахтачиликда кластер тизимининг жорий этилиб, навларни танлаш, жойлаштириш, янги инновацияларни тадбиқ этишда янгича иш усулларига кенг йўл очиб берилганлиги вилоятдаги мавжуд 4 та “Бек кластер”, “Политех Сирдарё”, “Боёвут агро” ва “Индарама” қўшма корхоналари далаларида ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш имконини бери.**

Энг муҳими, кластер усулида пировард натижани эгаллаш, пахтанинг сертолалигини таъминлаш, чуқур қайта ишланган маҳсулотни экспортга йўналтириш асосий мақсад этиб белгиланди. Йиғим-терим мавсумида 500 дан ортиқ терим машиналари ҳамда 20 мингдан ортиқ вилоятдаги, шунингдек, Фарғона вилоятидан келган кўнгилли хашарчилар кучидан тўла қувватда фойдаланилди. Илк бор вилоятга четдан катта терим отрядларини жалб этмасдан (йўлига 100 минглаб зобитлар жалб этиларди) етиштирилган ҳосилни сарамжомлаб олиш мумкинлиги катта ва амалий тажрибада исботланди. Бунда терим отрядларининг тўғри шакллантирилиб, дала бошида теримчиларга ҳар килограмм терган пахта учун 1200 сўмдан иш ҳақининг нақд тўлаб борилганлиги, моддий манфаатдорлик мавсумда биринчи даражали вазифа этиб белгиланганлиги, энг асосийси, хирмонларга асосан биринчи навли, тоза ва сифатли хомашёни ғарамлаш ишлари тўла назоратга олинганлиги эришилган ютуқлар салмоғини янада оширди. Энг ибратлиси, юз килограммчи чеварлар бир мавсумнинг ўзида 7-8 миллион сўмлаб терим ҳақига эга бўлдилар. Вилоят пахтакорлари 170 минг тоннадан ортиқ ҳосил хирмонини (Сардоба сув тошқини оқибатида Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида 17 миң гектардан ортиқ пахта зарар қўриб, ҳисобдан чиқарилган) қисқа вақтда барпо этиб, Мирзачўл шароитида эртаги ва юқори сифатли пахта етиштириш мумкинлигини амалда исбот қилдилар.

Эътиборли жиҳати, кластер хўжаликларининг аксариятида бир теримнинг ўзида гектаридан 30-35 центнердан ошириб пахта териб олинди. Сайхунбод туманидаги Дилмурод Абдурҳомонов раҳбарлик қилаётган “Политех Сирдарё” кластер хўжалиги деҳқонлари ҳозиргача 8 миң гектар майдондан 25 миң тоннадан ортиқ пахта хирмони уйдилар. Кластер хўжалигининг тумандаги 200 дан ошиқ фермер хўжаликлари билан юқори сифатли ҳосил етиштириш бўйича шартнома тузиб, пировард натижани эгаллашни бош мақсад этиб қўйганлиги фермерлар моддий манфаатдорлиги янада ошишига хизмат қилаётди. Чунончи, кластер хўжалиги билан шартнома тузиб меҳнат қилаётган Мирзохид Раҳмонбердиев бош бўлган “Сайхун парранда барака” фермер хўжалигида бир теримнинг ўзида 21 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан биринчи навли хомашё териб олинди. Тумандаги “Қоратой Мирзаев”, “Давлатбек Ҳуролов”, “Иброҳим”, “Тилов ота” фермер хўжаликлариде ҳам ҳосилдорлик 35-36 центнердан ошди. Хирмонларга жамланган пахтанинг 8 миң тоннадан зиёди кластер хўжалигига шу мавсумнинг ўзида келтирилган. Тошкентда ишлаб чиқарилган 34 та икки қаторли замонавий машиналар бункерларидан бўшатилди.

Асосий майдонларга “Султон”, “С-6524” навларининг жойлаштирилганлиги тола сифатида ҳам аниқ намоён бўлаётди. Сайхун пахта тозалаш заводида янги ҳосил пешма-пеш қайта ишланмоқда. Пахтанинг толалик даражаси 35 фоизни, чигит чиқиши эса 58 фоизни ташкил этмоқда. Энг қувонарли жиҳати, ушбу кластер хўжалигининг Пахтакор қабул саройида қиймати 20 миң Евролик, бир йилда 8,5 миң тонна пахтани қайта ишлаб, ип калава тайёрлайдиган замонавий тўқувчилик корхонаси қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. 2021 йилнинг биринчи чорагида ишга тушириладиган корхонада сайхунбодлик 600 нафар ёшлар учун доимий иш ўринлари яратилади ва бу ерда тайёрланган ип калавалар тўлиқ хорижий мамлакатларга экспорт қилинади. Ҳатто пахта чигити ҳам бу ерда исроф қилинмайди. Завод қошида кунига 130 тонна пахта ёғи ишлаб чиқарадиган мой заводи – йирик лойиҳани амалга ошириш ҳам жадаллик билан давом эттирилмоқда. Қўрилаётган чоралар кластер хўжаликларининг пахтани етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш ва уларни экспорт қилишдек яхлит тизимда барқарор ривожланишига кенг йўл очиб беради.

Кластер хўжаликлари пахтачиликни илмий асосда ривожлантириб, мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда энг катта кучга айланганлиги, пировард натижани кўзлаб ишлаш бу тизимда жуда юқори самара бераётганлигини Президентимиз шу йилнинг 13 октябр кўни Сирдарё вилоятга таширфи, кластер хўжаликлари раҳбарлари билан Оқолтин ва Мирзаобод туманлари пахта далаларидаги мулоқоти чоғида ҳам алоҳида эътироф этдилар. Давлатимиз раҳбари барча қўлайликлар яратилган, янги инновациялар ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилаётган кластер хўжаликлариде пахта ҳосилдорлигини 50-70 центнерга олиб чиқиш мумкинлигини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Дастлабки довондан ошган вилоят пахтакорлари Юртбошимизнинг ишончларини оқлаш, Сирдарё тажрибасини ҳақиқий намунага айлантириш учун йиғим-теримини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
“Qishloq hayoti” муҳбири.

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ТИЛ МЕЗОНЛАРИ

Давлат тилига бўлган эътибор – элга, миллат қадриятларига бўлган эътибордир. Хукуматимиз томонидан ҳам шу мақсад илгари сурилган ҳолда, бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, sanoat, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга табиқ этишни назорат қилиш мақсурадир. Давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш йўлида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган функционал вазифалар асосида иш фаолияти ташкил қилиниб, агентликнинг тегишли бошқармалари ва тизим ташкилотлари билан берилган топшириқлар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар иш режаси ишлаб чиқилган.

Режага кўра, агентлик ва унинг қуйи тизим ташкилотларида маънавий – маърифий соҳани, хусусан, давлат тилини ривожлантиришга оид ишларни самарали ташкил этиш учун махсус эксперт гуруҳи

фаолият олиб бормоқда. Агентликка қарашли барча ташқи ёзувлар, лавҳалар, эълонлар, реклама ва бошқа кўргазмалар ахборот – реклама матнлари давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши таъминланган. Агентликнинг барча тизим ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бинолардаги ташқи ёзувлар, лавҳалар, ахборот матнлари ва бошқа материалларнинг давлат тилида бўлиши таъминланган.

Шунингдек, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда давлат тилини ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахрирдаги лойиҳаси давлат тилида ишлаб чиқилди.

“Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги барча муассасалар, жумладан, “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти”да ҳам техник регламентлар, стандартлаштиришга оид норматив ҳужжатлар, шунингдек, иш юритишда давлат тили қоидаларига тўлиқ амал қилиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги эксперт гуруҳи “Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Аккредитация маркази” ДУК, “Штрихли кодлаш ва ахборот технологиялари маркази”, “Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази” ДК (“ЎзТест” ДҚ)ларида ҳам оммавий ах-

борот воситаларидаги барча фаолиятга доир тарғибот ишлари фақат давлат тили, яъни ўзбек тили қонун-қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда олиб борилиши белгилаб берилди.

Эксперт гуруҳи, агентлик ва тизим ташкилотларида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни танқидий ўрганиш бўйича асосий йўналишларни белгилаб олди.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, тизим ташкилотларида маънавий-маърифий ишларни сезиларли кучайтириш талаб этилади. Худудий бўлинмалар томонидан давлат тилида иш юритишни ташкил этиш борасида камчиликлар мавжуд. Лабораторияларда ўтказиладиган синов баённомалари давлат тилида расмийлаштирилиши йўлга қўйилди.

“Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат корхонаси ва унинг бир қатор филиалларида мувофиқлик, қиёслаш ва метрологик аттестация сертификатлари тўлиқ давлат тилида расмийлаштирилиши таъминланди. Хусусан, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Қўқон филиалларида мавзу доирасида амалга оширилган ишларни талаб даражасида дейиш мумкин.

Эътиборлиси, охириги йилларда минглаб халқаро стандартларнинг хорижий тиллардан ўзбек тилига ўгирилиб, давлат тилида истеъмолга киритилаётгани тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар учун янада кенг қулайликлар яратмоқда.

Наргиза МАМАЗИЯЕВА

## Ватан – она бўлса

Яратганинг инояти-ла,  
Тузилгайдир ҳар битта зўдак.  
Ва кўксиди, айтишларича –  
Урар экан бемиллат юрак!

Унда ҳали тил йўқ сўзлашга,  
Ингранади гоҳи зебабон.  
Соч таладек томирларида  
Оқар фақат бобомерос қон.

Тузилибоқ ёруғ дунёнинг  
Нурларидан қамашиб кўзи.  
Онасининг қайноқ бағридан  
Паноҳ излаб топади ўзи.

Томир отар эгалик ҳисси –  
Эмар экан меҳр ва оқ сунт.  
Шу лаҳзадан боргайдир ўсиб –  
Юрагида Ватаний мақсууд.

Ва бошлар ширин бир хониши,  
Киприклари туташган палла.  
Бошлаб берар мурғак уйғониш –  
Ухлатмоққа айтилган алла.

Она тилда Она тилидан –  
Юрагида қўшиқ қуйилар.  
Мурғаккина тасавурида  
Ҳаёт ҳикмат бўлиб туюлар.

Юрт ишқига юрагинг тўлса,  
Тупроғини ўпиб, таваф қил.  
Ўзбекистон Онамиз бўлса –  
Оқ сутидир Ўзбекона тил!

Ориф ТҶҲТАШ

## ҲИКОЯ

– Оббо, шу деворинг кўзимга балодай кўринади-да!  
Ичкарада бўлсам майлиди. Асли, индинини урган: бузиб  
бошидан қуриш керак.

Эшмирза кунайнинг гапи Эломонни ажаблантир-  
са-да, у деворнинг боши – бурчагидан оёғига қараб ўқ ота-  
ётган мергандек кўзини қисиб қаради: кўзга кўринарлик  
бирор айбни сезмагач, елка қисди.

– Тўрт-беш йил лойнинг ичида юриб ўзимизникини  
ўнглаб сувамасақ, ўрганган хунаримиз бир пул-да! Анави,  
қибла томондаги бурчакка зўдир тош кўювдик, шу буза-  
яптимикан? Ўша жойи сал қалинроқ...

Эшмирза кунай ўзининг синчилигини исботлагандек  
кекирдигини чўзиб кўйди-да, бурчакка ўтиб тавонни билан  
деворни авайлаганнамо тепди. Бармоқларини девор  
устиди юргизиб, бирор нарса сезгандек айёрони қулимси-  
ради.

– Шунинг учун айтаман-да, бошидан тузатгани  
отасица раҳмат деб. Тошнинг ўзини олсангиз, пойдевор  
бузлади, девор энтарилади, кейин қулайди. Эл олдида  
қулги.

Эломоннинг пешанаси тиришиди. Бир пойдеворга, бир  
шифтга, бир чертакка қараб хаёлидан ўтказди: “Ўзин-  
нинг айбинг билинмас экан-да! Нима кўп, марака кўп,  
кечган одам қулмайди-ми?! Уста қурғур сувоқни бошлабди,  
деб”.

Эломоннинг боши қотди. Иморатни қайта қуриш  
аҳмоқнинг оғизиди гап. Ҳашарчаям, “ҳа” деганга кела-  
вермайди. Устаси-устак, қўл ишга бормай турган бир  
пайтда – таъби тирриқ тортиди.

Эшмирза кунай дарича сари қадам ташларкан, қай-  
рилди:

– Бир ишни икки қилсан-да! – деди маслаҳат солган-  
дек. – Бир оғиз сўрамайсанми?..

Эломон тортишзудек эди-ю, шаштидан қайтди.

– Битта гишт қўйишибдими, энди эза чиққани  
қаранг! У ери қийишқ, бу ери ўйишқ, Битгандан кейин  
ақллилик қилмай.

Эломон аста-секин ота уйига қараб юраркан, осмон  
тўлғоқ тутгандек безанглар, гоҳ ёлғир томчилар, гоҳ  
очилар, яна бирдан бузариб одамларни шоширарди.

У ҳам ишини тезроқ битказиш илнжиди типирчи-  
ларди.

\*\*\*

Эломон зўдиртом қўйилган бурчакни чўкичда қов-

## Тулкарри

лашга тушиди. Девор оғишдан кўрққандек четланиб  
тушар, катилиб бораётган гиштларни кўриб ичи ачирди.

– Эй, аҳмоқ бола қўрунча ийизинг чиқиб кетди-ку!  
Отасининг бақирғидан у ўнланди.

– Сени нима жин урди! Одамлар иморат қуролмай  
ҳалақ, сен лойи қурмай бузишга туши.

Дониёр бобо ўзланинг қўлидан чўкични тортиб ол-  
ди-да, ерга ташлади.

– Юз йил ишласаям, одамга ақл битмас экан-да!

Эломон ажабсиниб отасица қаради:

– Манави, девордаги тош деворни бузиб турибди,  
учини учирмоқчиман. Устидан суваб қўлман, билинмай  
кетади.

Дониёр бобо мийғиди қулди:

– Тошни учириб ўтириш шарт эмас, – деди у синч-  
ков назар солгач. – Ўзим билинмайди-ку. Жа кўнглинг  
тўлмас, зулқари қил. Ишинг кўпаяди-ю, пухта чиқади.

Эринмай олди-атрофига лой ялатиб чиқ, қари-ўйиқлари  
ёпилади.

Эломон зулқаридан эринса-да, муҳим бир масала ечи-  
мини топгандек эди.

У дарров сувоққон тупроққа майда сомон аралашти-  
риб лой қилди. Ичидаги кесаклари эзлиниш учун тўрт-  
беш соат ачитиб қўйди. Кейин деворга шайтонтайёқ  
ташлаб нотекис, қийишқ жойларини аниқлади-да, енг  
ишмарди. Лойни қўйишқлаб деворга ёпиштирди-да,  
устидан андава юргизди: аввалига бироз совқотди, кейин  
қўйикди. Устасица девор суваш ҳам гапми? Ҳа, дегунча  
ишининг охири кўринаёзди. Қоронги туша-туша лой  
қочган жойларига андава тортиб, ишни битказиб ариқ  
томонга юрди. Лой идишларини, кетмону андавани то-  
залаб, четга олди-да, юз қўлини юваркан, Эшмирза кунай  
“ҳорми” деб ишагини тўхтатди.

– Туйгача бир амаллабсан-да! Майли, деворинг ишқил-  
либ оғиб кетмадими? Тошни олгач жойи ковак бўлиб  
қолади-да!

Эломоннинг ҳазиллашгиси келди:

– Деворга болор тираб, олдик. Кавакка майда тош  
тўлдирдик. Қийинмас-ку!

Эшмирза ҳазилни тушунгандек қулди:

Тўйи шу ерда ўтказамизми?

Ҳа..

Яхши.

Эшмирза гижинди.

\*\*\*

Сабзи тўғарга келган бир том одамни Эшмирза  
ака енгиб ўтирарди. Нима эмиш, Эломоннинг иморати  
қиблага оғиб, қийи чиқмай ташлаб юборармиш. Бу гапга  
эйтирош айтсан қанча, аниқайган қанча!

– Лекин қишлоқ ҳазилкашлар болади:

– Сиз яна уста булман десангиз, охираммон келгани  
иш. Суваган оғилхонангизни кўрдик, букрининг бели-  
дек-ку!

Шундаям у бун кетмади:

– Уни ўн бешимда қурганман?

Ўтирганлардан бири пичогини қайраш асносида гап  
қотди.

– Кўнгишингизга “ҳа” деганингизда ҳаққингиз  
кетмасди. Энди кўвнинг кўнглини бузиб қийишқ деб  
ўтирмай..

– Сўрса, ҳа дейманми?.. Хали ёш, билмайди-да! Бутун  
умр лой кечиб қўтаргандаям, фаросат битмаса қийиш..

Букри жойи отининг қанқасидек билиниб турибди.

Тўрт-бешта ишданқочарга баҳона топилиб, Эшмир-  
за акани ташқарига суоради. Арчилган сабзи арчилганча  
қолди.

Қоронгиталаш. Айвондан таралган электрлампа  
ёруғида деворнинг икки учини тенглаштирди: “Қурғур-  
ей, қами йўқ, ўйишқ билинмайди. Олдингдан тузук” –  
деб хаёлидан ўтказди у.

– Олдингдан тузук, лекин барибир ўйдим-чўқур.  
Тошни қовлаб олган.

Энди ҳамма боягидек деворга назар сола бошлади.

Биров “ҳа”, биров “йўқ” деди, ишқилиб, гира-ширада  
Эломон келгунча тортишишиди.


– Эшмирза акага шундай кўринган, у билади, – деди  
бор гапни эшитгач. – Ковак ҳеч тўлмайди-да!

Одамлар Эшмирзанинг кўнгли учун яна бир қур разм  
солиди. Теп-текис эди.

Эшмирза кунайнинг кўз олди эса бўм-бўш, ковак эди.

Олим ЖУМАОБОВ

**Ёнғоқ – ёнғоқдошлар оиласига мансуб дарахтлар турига киради. У мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ва деярли барча сугориладиган минтақаларида ўстирилади. Бўйи 15-30 м, йўғонлиги 1,5-2 метргача боради, илдиз тармоғи бақувват 4 метр ва ундан ортиқ чуқурликка боради.**



## МЕВАСИ ДАРМОН – ТАНАСИ ҚАЛҚОН

### ЁНҒОҚ ВА ДЎЛАНА – БЕБАҲО ХАЗИНА

Табиатшунос олимларимизнинг келтирган маълумотларига қараганда, ёнғоқ каби серхосият дарахтлар кейинги пайтларда сезиларли даражада камайиб кетмоқда. Республикамизда ёнғоқзорларни кўпайтириш учун барча шароит бор. Ёнғоқ анчагина беор ўсимлик. Нам етарли бўлган тупроқларда яхши ўсади, совуққа чидамли. Унинг ривожланиш даври 165-210 кун. Дарахт умрбоқийлиги билан ажралиб туради, у 300-400 йил яшайди.

Ёнғоқларнинг мағзи жуда ҳам мазали, унинг таркибиде 75% озиқли ёғ, 20% оқсил, 5-15,6% азотсиз ҳар хил бирикмалар, А В С каби дармондорилари бўлганлигидан кондитер саноатида, ҳолва, печенье, шоколад ва ширинликлар тайёрлашда ишлатилади. Шунингдек, мевасида турли углеводлар, кўп миқдорда витаминлар, минерал тузлар, микроэлементлар мавжуд экан.

Ҳали пишиб етилмаган ёнғоқ мевалари А ва С дармондорисига бой бўлганлиги туфайли шакар қўшиб нишолда тайёрланади. Ёнғоқ мағзи ҳар хил турда яхши озиқ сифатида ишлатилади. Унинг мағзидан олиннадиган мой совун тайёрлашда, босмаҳонада сиёҳ, лок ҳамда кимёвий туш тайёрлашда ишлатилади. Ёнғоқ кунжараси таркибиде 33-38% оқсил, 11-12% ёғ борлиги туфайли, уни мол ва паррандаларга тўйимли озиқ сифатида берилади.

Ёнғоқнинг нафакат меваси, барги ҳам халқимиз табобатида кенг қўлланилади. Масалан, унинг барги тери касалликларини даволашда ва гижжани туширишда фойда беради. Баргини спиртга солиб тайёрланган ичимлик камқувватликда, дармондорилар етишмаганда (авитаминоз) тери касалликлари, рахит, ич кетиш, баргидан қайнатилган дамлама сув эса бод касалини, сувли темирткиларни, томоқ оғриғини, жиггидон, сил касаллигини даволашда фойдаланилади.

Ёнғоқнинг барглари ошловчи модда, минерал тузлар, С дармондориси, каротин, эфир мойи каби моддаларга бой, ёнғоқ дарахтининг барги, пўстлоғи, танаси, илдизи, мева қобиқларидан қора ёки кўнғир рангли бўёқ олинадиган ва тўқи-

мачилик саноатида жун, ипак ва бошқа материаллардан тайёрланадиган газламаларга ранг беришда фойдаланилади. Айниқса, ёнғоқ мевасининг қобиғи (25%) барги ва пўстлоғи ошловчи моддаларга бой бўлганлигидан саноатда ишлатилади. Ёнғоқнинг ёғочидан мустаҳкамлиги, ёрилмаслиги ҳамда ҳар хил жилоланиши, кўнғир ранги билан бошқа дарахт ёғочларидан ажралиб туради. Ундан уй жиҳозлари ва фанеллар тайёрланади, авиация саноатида ишлатилади.

Тадбиркор кишилар уйларида хусусий мойжувоз қуриш учун ёнғоқларнинг бақувват ёғочидан фойдаланиб келмоқда. Ёғочининг метиндай қаттиқ ва чидамлилиги учун ҳам узоқ вақт едилмасдан тураверади.

Ёнғоқ баргининг ажойиб хусусиятларидан яна бири уларнинг турли ҳашарот ва қуяларга қарши ис чиқаришидир. Ёнғоқ барглари ёш новдаларида фитонцид модданин кўплиги кўрт-қумурсқаларни йўқотади, кийимларни қуя тушишдан сақлайди, умуман ёнғоқ дарахти тағида пашшалар жуда кам бўлади, бугдой, арпа каби ўсимликлар дони орасига ёнғоқ барги ташлаб қўйилса, ғаллага мита тушмайди, дейишади.

Унинг сўлим салқин соясидан тортиб, тўйимли ва шифобахш мағзигача, метин ёғочидан баргигача фойдалидир. Ўзбекистонда ёнғоқзорларнинг умумий майдони 18 минг гектарни ташкил қилса, Қирғизистонда 30 минг гектардан зиёд. Табиийки, бу миқдор бизнинг шароитда камлик қилади.

Ёнғоқнинг турли касалликларга шифобахш хусусиятлари тўғрисида буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» номли китобининг иккинчи жилдида алоҳида тўхталиб ўтган.

Шунинг учун ҳам ёнғоқнинг турган битгани “ҳазина” дейишади. Айниқса, ихота ва агроўрмон мелиорация дарахтзорлари барпо этишда, манзарали боғдорчиликда аҳамияти катта. Шундай экан, ҳозирги мавжуд бўлган табиий ёнғоқзорларни муҳофаза этиш билан бирга, уни экиб кўпайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

### Дўлана

Тоғ ён-бағрида ўсувчи дўлана дарахти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Дўлана ҳам беор ўсимлик бўлиб, қурғоқчиликка чидамли, тупроқ танламайди. Баландлиги 6-10 метргача бўлиб, сершоҳ дарахт. У ҳам ёнғоқ дарахти каби узоқ яшайди. Дўлананин тур кул бўлиб, шундан 10 таси мамлакатимиз ҳудудига ўсади. Дўлана ёввойи ҳолда Ўзбекистоннинг тоғли туманларида, денгиз сатҳидан 1000-1500 метр баландликда, кўпинча якка ҳолда ўсади. Баъзан кичик дўланазорлар ҳам учрайди. Баъзи турларининг меваси йирик бўлиб, кўп истеъмол қилинади, 25-30 ёшли дарахти 70-80 кг ҳосил беради. Меваси дармондориларга бой. Таркибиде 11,5 – 15,9 фоиз қанд, 8 фоиз ёғ, 0,67 – 0,88 фоиз олма кислотаси бор. Халқ табобатида кенг қўлланилади.

Дўлана дарахти совуққа ва қурғоқчиликка чидамли. Ўсимлик тупроқ қатламларини қуришини камайтиради, намликни яхши сақлайди. Бу дарахтларнинг яна бир хусусияти ундан яшил девор ва иҳота дарахтзорлари ҳосил қилишда, эрозияга қарши тоғ ён бағирларини мустаҳкамлашда фойдаланилади. Дўлана дарахти танаси тоғлардаги қор ва ер кўчкиларини тутиб қолса, ёнғоқ дарахти сел оқими шиддатини секинлаштириш хусусиятига эга. Бундан ташқари, бу дарахтларнинг бақувват, чайир танаси кучли довул эсишига ҳам қаршилиқ қилади.

Дарҳақиқат, гап боғ-роғларимиз кўрки, тоғларимиз зийнати бўлган дов-дарахтлар ҳақида кетар экан, уларни асраб-авайлашимиз, келгуси авлодга қандай бўлса шундайлигича етказишимиз керак. Халқимиз: “Бирни кессанг, ўрни эк” дея бежиз айтмаган. Она-табиатнинг бетимсол саховати бўлган дов-дарахтлар ҳеч қачон инсонга зарар келтирмаган. Ҳатто қуриб қолган танаси ва шоҳларидан ҳам ўтин учун фойдаланишган.

**Азамат СҮЮНОВ,**  
журналист.

### Бухоро вилояти

## ҲИНДИСТОННИНГ ИНТЕГРАЛ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

**Вилоят Инвестиция ва ташқи савдо бошқармасида Ҳиндистоннинг машҳур Интеграл университети вакиллари билан онлайн учрашуво ташкил этилди.**

Вилоят ҳокимининг Инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Ризо Асадов, шунингдек, вилоят ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мирали Ҳамроев иштирок этган мулоқотда Ўзбекистон республикасининг Ҳиндистондаги фақуллода ва мухтор элчиси Дилшод Ахатов, Ҳиндистон томонидан Интеграл университети халқаро алоқалар бўйича масъуллари Саид Надим Ахтар ва Ниланжан Мухерджи жаноблари, шунингдек, Бухоро давлат университети проректори Абдор Жўраев, Бухоро давлат Тиббиёт институти проректори Ахатжон Насуллаев, Бухоро Мухандислик-технология институти мутасаддилари иштирок этиб, ўзаро икки давлат олий таълим даргоҳлари ўртасидаги илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Интеграл университети Ҳиндистоннинг Уттер Прадеш штати пойтахти Лакнов шаҳрида жойлашган бўлиб, ўтган аср элгилгинчи йилларидан буён халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Жумладан, тиббиёт, информацион технологиялар, фармацевтика, кишлоқ ҳўжалиги, архитектура ва қурилиш каби соҳаларида етакчилик қилиб келаётган олий таълим даргоҳида бугун 15 дан ортиқ давлатдан жами 12 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади. Олий даргоҳ 14 та факультет ва 50 та кафедрасига эга. Айниқса, тиббиёт ва кишлоқ ҳўжалиги тармоқлари анча ривожлантирилган.

Онлайн мулоқотда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ризо Асадов Ҳиндистон томонига вилоятимиз олий таълим тизими хусусида батафсил маълумот бериб, чет эл олий таълим даргоҳлари билан йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик яратилган имкониятларга тўхтади. Шу жумладан, Бухоро ва қўшни Навоий вилоятлари мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичлари бўйича республикамиз миқёсида юқори ўринларда экани, вилоятда анқ фанларга ўқитиш сифати-самарадорлиги эътироф этилди. Интеграл университети билан ҳамкорликнинг барча йўналишларига тайёр эканлигимиз, бунинг учун барча шарт-шароит яратилиши маълум қилинди.

Ўз ўрнида Интеграл университети мутасаддилари биздаги олий таълим даргоҳлари имкониятларига қизиқиш билдириб, айниқса соғлиқни сақлаш ва кишлоқ ҳўжалиги соҳаларида лаборатория ва илмий марказларни ташкил қилишга доир лойиҳаларни амалга ошириш ташаббуси билан чиқдилар.

**Бухоро вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати.**

### ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан Тохтаев Шухрат Тохир ўғли номига 2013 йил 1 май куни O'zR № 000071 – рақамли Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш учун берилган гувоҳнома ийўқолган деб ҳисоблансин.

## ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



## «ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Куйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

## "UNIVERSAL GIGANT GROUP" МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган  
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Жиззахагрокимёхимо" ХАЖ бошқаруви 2019 йил 1 июлдаги 80и/ч-сонли буйруғи ва "Жиззахагрокимёхимо" ХАЖ Дўстлик туманлараро УКнинг 13.05.2020 йилдаги № 195-сонли хатига асосан Дўстлик тумани, Қаҳрамон МФЙда жойлашган "Омборхона" биноси, бошлангич баҳоси 507 000 000 (беш юз етти миллион) сўм.

Ўзбекистон ХДП Марказий кенгашининг 2020 йил 14 октябрдаги № И-4/53-сонли қарори, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг 2020 йил 29 сентябрдаги № И-3/44-сонли қарори ва 2020 йил 21 октябрдаги № 1/304-сонли хатига асосан Зарбдор туман Тинчлик МФЙ да жойлашган "Меҳмонхона ва ошхона" биноси, бошлангич баҳоси 125 719 000 (бир юз йигирма беш миллион етти юз ўн тўққиз минг) сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 23 ноябрь куни соат 10:00 да савдо ташкилотчиси "UNIVERSAL GIGANT GROUP" МЧЖ жойлашган манзил (Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласи, 1-уй)да бўлиб ўтади. E-mail: sher.turaev@gmail.com.

Аризаларни қабул қилиш манзили: Жиззах шаҳар Заргарлик маҳалласи 1-уйда қабул қилинади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (12:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 21 ноябрь куни соат 16:00.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 23 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрибий аукцион савдолари 2020 йил 9 декабрь куни, 24 декабрь ва

2021 йил 11 январь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 9 декабрдаги тақрибий савдолар учун 2020 йил 7 декабрь куни соат 16:00; 23 декабрдаги савдолар учун 22 декабрь ва 2021 йил 11 январдаги тақрибий савдолар учун 9 январь куни соат 16:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатлат келишуви, закатлат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо галиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномасини тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатлат келишувига асосан, бино бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пули ва "Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)" га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдордаги маблағлар савдо кунига қадар "UNIVERSAL GIGANT GROUP" МЧЖнинг "Ипотекабанк" АТИБнинг Жиззах вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига тўлаб берилади. Тел: 226-22-52, 226-50-25.

Лицензия: RR-0206.

Аукцион савдоси натижаларига кўра галиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

## Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
таърибдаги ҳамда бошқа  
дахлдор вазирлик ва  
идоралар.

Бош муҳаррир:  
Чори ЛАТИПОВҲабиб ТЕМИРОВ  
(Бош муҳаррир  
ўринбосари)Раимқул СУЯРОВ  
(Бош муҳаррир  
ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Жамшид ХУҲАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммадхон  
ТОШБОЛАЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ,  
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда  
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1025, ҳажми 3 босма табоқ,  
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.  
Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
1 977 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ - 144.

Телефонлар: Қабулхона - 236-26-50. Аграр масалалар бўлими - 236-26-47.  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 233-76-78. Факс - 233-44-43, 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар - 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.  
Манзили: "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 6



## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий  
ислохотлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги улкан бунёдкорликлар,  
одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳаётининг жонли  
манзаралари билан танишиш истагида бўлсангиз,

## "Qishloq hayoti"

## ГАЗЕТАСИ УЧУН 2021 ЙИЛГА ОБУНА БЎЛИШГА ИШТИРИК

Бунинг учун обуна уюштирувчи ташкилотларга, шунингдек,  
тахририятнинг ўзига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

## НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ - 144

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 236-26-50, 233-44-43,  
233-28-04. ФАКС: 233-44-43. E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва  
виночилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институт етакчи  
иқтисодчиси Дилафруз Умархоновага отаси  
Исматуллохон УМАРХОНОВнинг  
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Баҳоси келишчилган нархда.

ISSN 2010-7023



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 19.10